

Ўзбекистон мусулмонлари
идораси
ФАТВО ҲАЙЪАТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий

ЖУМА МАВЪИЗАСИ
“19” август, 2016 йил

ذَوُّ الْقَعْدَةِ

Усмонхон АЛИМОВ
“16” ЗУЛҚАЪДА, 1437 х.й.

ҚЎШНИЛАРГА ЯХШИЛИК ҚИЛИНГ!

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Қадрли намозхонлар! Аллоҳ таборак таоло Қуръони каримда Ўзига ибодат қилиш, Унга ҳеч бир нарсани шерик қилмаслик, ота-она, қавм-қариндош, етим-мискинлар ва қўни-қўшниларга яхшилик қилишга амр этиб, бундай дейди:

وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَبِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسَاكِينِ
وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنبِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ
أَيْمَانُكُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَنْ كَانَ مُخْتَالًا فَخُورًا ﴿٣٦﴾

яъни: “Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшни-ю бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилингиз)! Албатта, Аллоҳ кибри ва мактанчоқ кишиларни севмайди” (Нисо, 36).

Муҳтарам жамоат! Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ ўз китобларида ота-она, қавму қариндош ва фарзандлар билан олиб бориладиган муомала маданиятига оид боблардан кейин қўни-қўшнилар билан яхши муомала бўлиш бобини келтирганлар. Инсон боласи ўзининг кундалик ҳаётида, истайдими-йўқми, доимий равишда алоқада бўлиб турадиганлардан бири қўшнилардир. Кишининг ҳаёти осойишталиги, бахти, қувончи кўпинча қўшни билан кечадиган алоқаларга ҳам боғлиқ бўлади. Агар Аллоҳ таоло бандага яхши қўшни ато қилса, кўпгина яхшиликларга сабаб бўлади. Аксинча, ёмон қўшнidan ҳар хил ёмонлик кутишнинг ўзи турмуш ҳаловатини кетказди.

Шунинг учун ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «*Мусулмон кишининг саодати кенг маскан, солиҳ қўшни ва яхши уловдир*», деганлар».

عن الحسن أنه سئل عن الجار، فقال: أَرْبَعِينَ دَارًا أَمَامَهُ وَأَرْبَعِينَ خَلْفَهُ، وَأَرْبَعِينَ عَنْ يَمِينِهِ، وَأَرْبَعِينَ عَنْ يَسَارِهِ.

яъни: Ҳасандан ривоят қилинади: *«Ундан кўшнилари ҳақида сўрашди. Шунда у: «Олдидан қирқ ҳовли, ортидан қирқта, ўнгидан қирқта, чапидан қирқта», деди».*

Шариат нуқтаи назаридан, ўнг томондан, чап томондан, олд томондан ва орқа томондан қирқта хонадон кўшни ҳисобланар экан ва уларда кўшнилик ҳаққи бўлар экан.

Муҳтарам жамоат! Исломда кўни-кўшнилари ҳақлари тўртта бўлиб улар; кўшника азият бермаслик, кўшники ёмонликлардан ҳимоя қилиш, уларга доимо яхшилик қилиш, кўшинидан етадиган азиятларга сабрда бўлиб, улар билан яхши кўшничилик қилиш.

عَنْ أَبِي شُرَيْحٍ الْخُزَاعِيِّ عَنِ النَّبِيِّ قَالَ: مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُحْسِنِ إِلَى جَارِهِ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُقِلْ خَيْرًا أَوْ لِيَصْمُتْ.

яъни: *Абу Шурайх Ҳузъийдан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, кўшнисига яхшилик қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, меҳмонига икром кўрсатсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин», дедилар».*

Кўшника яхшилик қилиш Аллоҳга ва қиёмат кунига имон келтирган кишининг сифати, белгиси, аломати экан. Ким Аллоҳга имон келтирган бўлса, қиёмат кунидан умидвор бўлса, кўшнисига яхшилик қилиши лозим экан. Кўшника яхшилик қилиш унинг ҳожати тушган ишларда ёрдам бериш ва ундан ёмонликларни дафъ қилиш билан бўлади. Унга озор берилмайди ва эҳсон қилинади. Кўшника очик юзли бўлиш, ширин сўз бўлиш, таом бериш каби ишлар билан икром кўрсатилади. Яхши кўшничилик аломатларидан баъзилари унга муҳтож бўлганда қарз бериш, бемор бўлса, бориб кўриш, таъзиясида иштирок этиш, хурсандчилигини табриклаш, уй қурганда деворини баланд қилиб юбормаслик каби ишларда ҳам кўшничилик ҳақларидан ҳисобланади.

عَائِشَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ لِي جَارَيْنِ فَأَلِي أَيُّهُمَا أَهْدِي قَالَ: إِلَى أَقْرَبِهِمَا مِنْكَ أَبَا.

яъни: *Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг иккита кўшним бор, улардан қайси бирига ҳадя берай?» деб сўрадим. У зот: «Сенга эшиги яқинроғига», дедилар».*

Демак, кўни-кўшника яхшилик қилишда, ҳадя беришда эшиги яқинроқ бўлган кўшникдан бошлаш керак экан. Агар бир кўшники ташлаб, ундан кейингисига ҳадя берилса, ўртадаги кўшнининг кўнглига «Мени ёмон кўрса керак, бўлмаса, ён кўшни бўлиб туриб, шунақа қиладими?» деган шубҳа тушади.

яъни: Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади: «Унинг қўйи сўйилди. У хизматчи йигитига: «Яҳудий қўшнимизга ҳам ҳадя қилдингми? Яҳудий қўшнимизга ҳам ҳадя қилдингми?» деб ҳадеб сўрайверди. Сўнг: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Жаброил менга қўшнига яхшилик қилиш ҳақида шу қадар тавсия қилдики, ҳатто уни меросхўр бўлса керак, деб ўйлаб қолдим» деганларини эшитганман», деди».

Бу ҳадисда саҳобалардан бирларининг ана шу ҳадиси шарифга қандай амал қилишлари кўрсатилмоқда. Қўшни яҳудий экан, душманлик қилиб юрган ғайридин одамлардан экан. Лекин ҳадисда «қўшни» дейилганми, бўлди. Яҳудийми, насронийми, мажусийми, ким бўлишидан қатъи назар, унга яхшилик қилиш керак.

عن ابن عمر رضي الله عنهما قال: لقد أتى علينا زمان وما أحدٌ أحقُّ بديناره ودرهمه من أخيه المسلم، ثمّ الآن الدّينار والدّرهم أحبّ إلى أحدنا من أخيه المسلم، سمعت النّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يقول: "كم من جار متعلق بجاره يوم القيامة، يقول: يا رب! هذا أغلق بابَه دوني، فمَنع معروفه".

Яъни: Ибн Умардан ривоят қилинади: «У киши шундай деди: «Бошимизда шундай замон ёки пайтлар бўлдики, бир одамнинг бир динори ёки дирҳами бўлса, ўшанга унинг мусулмон биродаридан кўра ҳақлироқ одам йўқ эди. Бугунги кунга келиб эса, динор ва дирҳам бизларга мусулмон биродаримиздан афзалроқ бўлиб қолди. Ҳолбуки Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Қиёмат куни кўпчилик қўшнисининг бўйнига осилиб олиб: «Раббим! Бу қўшним менинг юзимга эшик ёпди ва яхшилигини тўсди», деб даъво қилади» деганларини эшитганман», деди».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Аллоҳнинг Расули, фалон аёл кечаси билан намозда қоим бўлади, кундузи нафл рўзаларни тутади. Яна бошқа фалон-фалон яхшиликларни қилади, садақа беради, лекин тили билан қўшниларга озор еткази», дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «У аёлда яхшилик йўқ, у дўзах аҳлидандир», дедилар. Бояги кишилар: «Фалончи аёл бўлса, фарз намозларини ўқийди, кийимларидан садақа қилади, аммо бирор кишига озор бермайди», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ана шу аёл аҳли жаннатлардандир», дедилар».

Мазкур ҳадиси шарифда қўни-қўшниларга озор бермаслик, уларни беҳурмат қилмаслик нақадар зарур иш экани таъкидланмоқда. Қўни-қўшниларга ёмон муносабатда бўлиш, уларга озор бериш ўқилган нафл намозлар, тутилган нафл рўзаларни ҳам ювиб кетиб, уларни фойдасиз ҳолга келтириб қўяди. Аксинча, қўшнилари билан тинч-тотув яшаган, уларга озор бермаган одам катта бахт-саодатга эришади ва аҳли жаннатдан бўлади.

عن أبي هريرة: أن رسول الله ﷺ قال: "لا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مَنْ لا يَأْمَنُ جَارُهُ بَوَائِقَهُ".

яъни: Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимнинг қўшниси унинг ёмонликларидан омонда бўлмаса, у жаннатга кирмайди», деганлар».

عن ثوبان قال: "مَا مِنْ رَجُلَيْنِ يَتَصَارِمَانِ فَوْقَ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ، فَيَهْلِكُ أَحَدُهُمَا، فَمَاتَا وَهُمَا عَلَى ذَلِكَ مِنَ الْمُصَارَمَةِ، إِلَّا هَلَكَا جَمِيعًا، وَمَا مِنْ جَارٍ يَظْلِمُ جَارَهُ وَيَقْفَهُ، حَتَّى يَحْمِلَهُ ذَلِكَ عَلَى أَنْ يَخْرُجَ مِنْ مَنْزِلِهِ ، إِلَّا هَلَكَ".

яъни: Савбондан ривоят қилинади: «У киши: «Икки киши ўзаро уришиб қолиб, уч кундан ортиқ гаплашмай юрса, улардан бири ҳалокатга учрайди. Агар иккови ҳам бир-бирига гапирмай, гина сақлаб вафот этса, иккови ҳам ҳалокатга учрайди. Бир одам қўшнисига зулм қилса, қаҳр кўрсатиб қўшнисини кўчиб кетишга мажбур қилса, у албатта ҳалок бўлади», деган экан».

Аллоҳ таоло барчаларимизни қўшниларга яхшилик қиладиган ва уларнинг ҳақларига риоя қиладиган бандалардан қилсин. Омин!

Мухтарам имом домла! Масжидларда намоз вақтига қатъи риоя этиб, хусусан жума намозини белгиланган вақтдан ўтказмаган ҳолда адо этишингизни ва жума иш кунни бўлганлиги учун намозхонларни кўп ушланиб қолишларига йўл қўймаслигингиз тавсия этилади!